
Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш бўйича тактик-амалий машқ ўтказилди

Бағдод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ташаббуси билан, ҳамкор ташкилотлар иштирокида, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш бўйича ёнғин ўчириш тактик-амалий машқи ўтказилди. Бу ҳақда бўлим бошлиғи, капитан Муслимбек Эргашев маълум қилди.

Тумандаги "Грант саховат" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида ўтказилган машқларни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъул ходими полковник Б.Алимов бевосита кузатиб борди.

Амалий машқда 14 та махсус техник воситалар ҳамда 164 нафар ходим қатнашди.

- Бундай тактик-амалий машқлар ходимларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш бўйича қатъий кўникмалар шаклланишида етакчи аҳамиятга эга, - дейди Муслимбек Эргашев.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-07-06 18:24:17